Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 111 (9.001) ✱ 1997 йил 26 сентябрь, жума ✱ Сотувда эркин нархда

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Минбар

БАРЧАНИНГ БАЙРАМИ

Устозларни улуғлайдиган байрам юртимиз тарихида илк бор нишонланяпти, десам хато бўлмайди. Чунки шу пайтга қадар унга моҳияти яқинроқ бўлган «Ўқитувчилар куни» деган сана бор эди холос. «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» эса жуда кенг қамровли тушунча. Уни фақат таълим-тарбия муассасаларида меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг байрами деб тушунмаслик керак. У ҳамманинг байрами. Чунки инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар муаллим кўрган бўлади. Умри давомида одамлардан ниманидир ўрганади ва кўпинча ўзи сезмаган ҳолда бошқаларга ҳам нималарнидир ўргатиб боради. Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этади. Худди шунинг учун ҳам «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» барча учун дам олиш куни дея эълон қилинди. Бундан ташқари бу байрам кўҳна қадриятларимизни тиклаш борасида ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Айниқса қадимда мавжуд бўлган устоз-шогирд анъаналари, хусусан касб-ҳунар ўрганиш учун шогирдликка тушиш, устозига меҳр қўйиш, ҳунарни эгаллаб бўлгач миннатдорлик сифатида элга дастурхон ёзиб, кўпчилик олдида устозига тўн, дўппи кийгазиш, қийиқча боғлаш каби одатларни ҳаётимизга яна тадбиқ этишда бу байрамнинг ўрни катта.

Ҳисомиддин БАРАКАЕВ,
37-ҳунар мактаби уста ўқитувчиси.

●

ШУНДАЙ ТУҒИЛИШ КЕРАК...

Мен бу йил Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини тугаллаб, ишга келдим. Мана, бир ойдирки, болаларга физикадан сабоқ беряпман. Бу фан қизиқарли албатта. Аммо мен иш жараёнидан ундан ҳам қизиқарлироқ, ажойиброқ ҳиссиётни туйдим. Бу — болалар билан ишлашдир. Улар билан бўлиб, куннинг қандай ўтганини билмай қоласан.

Шундай касблар бўларканки, уларни эгаллаш учун ўқиб-ўрганишнинг ўзи кифоя қилмас, балки шу соҳа одами бўлиб туғилиш керак экан. Ўқитувчилик ҳам шулар сирасига киради, дейишади. Шуларни ўйлаганингда, ўқитувчи бўлганингдан фахрланиб кетасан киши. «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» мен учун дастлабки касб байрамимдир. Бундай шодиёналарнинг кўпи ҳали олдиндалигини, касбимдан маънавий завқ олиш, энди қадам қўяётганимни ўйласам ҳаётда ўз ўрнимни топганлигимдан хурсанд бўлиб кетаман.

Азимбек ЗИЁРБЕКОВ,
90-мактаб-лицей ўқитувчиси.

●

БИР ҚУЧОҚ ГУЛ

Ҳаётда ўқиб-ўрганишнинг чек-чегараси йўқ. Шунинг учун ҳам «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» ҳозирда болалар боғчасида она сути оғзидан кетмаган гўдаккка қалам тутишни ўргатаётган оддий тарбиячидан тортиб, олий ўқув юртида аспирантга соҳа сирларини очаётган профессоргача тегишли. Чўнки гўдак билан олим ўртасида ўқитувчи деган мўътабар инсоннинг машаққатли, узоқ йиллик меҳнати ётади.

Биз ёшларни ўқитувчиликка тайёрлаймиз. Байрам куни бизни ҳам талабалар гуллар билан қутлашади. Улар институтимиз остонасидан учирма бўлгач, йиллар ўтиб касблари туфайли ҳурмат-эҳтиромга эришадилар. Ўқувчилари уларга қучоқ-қучоқ гул тутқазганларида институтимиз ўқув хонасини, биз — мураббийларини эъзозлаб қўядилар. Шунинг ўзида ҳам улар қучоқларидаги гулни бизга тутган бўладилар гўё.

Мамаражаб ХЎЖАМОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти тарих кафедраси ўқитувчиси.

Шаҳримиздаги Ойбек номли 115-мактабнинг олий тоифадаги ўқитувчиси Муаттар Акрамованинг ушбу даргоҳда муаллимлик қилаётганига чорак аср бўлди. Шу йиллар мобайнида у фарзандларимизга намунали таълим ва тарбия берди. Муаттар Акрамова ўзининг фидойилиги ва жонкуярлиги билан мактаб жамоаси ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонган. Халқ таълими фидойиси деган унвонга сазовор бўлган Муаттар Акрамовани ўқувчилари «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами арафасида муборакбод этишмоқда.

Равиль Альбеков олган сурат.

АЛИШЕР ВА ТАЛАБА

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Сарой йўлга чиқди савлати билан,
Алишер аркони давлати билан.

Ҳирот фазосида янграйди такбир,
Шаҳар айланмоқда Вазири кабир.

Улуснинг дарди не? Аъмоли нечук?
Бева-бечоранинг аҳволи нечук?

Нечуқдир бошлаган иншоотлари?
Мирни қизиқтирар буларнинг бари.

Гарчи шоирдир у беназир, танҳо,
Лекин салтанат ҳам дастидадир жо.

Дарёларни бурар имо айласа,
Мағлуб музаффардир ҳимо айласа.

Теграсида букун шоҳона жонлар,
Сергак сарбозлару содиқ аъёнлар.

Вазир ўтиб борар гулзорлар аро, —
Таъзимга чиқмишдир жаъми фуқаро.

Дастори ҳайбатли шайхлар эгар бош,
Бош эгар косибу шоиру наққош.

Алишер барчага тараҳҳум билан,
Ҳурмат кўргазарди табассум билан.

Шундоқ ғужғон эди ўнгу сўллари,
Мадраса томонга оғди йўллари.

Юзлаб талабалар мамнун, сарафроз,
Улуғ Навоийга чиқдилар пешвоз.

Ҳали лабларидан учмай бирор сўз,
Ҳазрат атрофига ташладилар кўз.

Нигоҳ юритдилар сафларга томон,
Ва бир талабага боқди ногаҳон.

Меҳр ила тикилгач, тущдилар отдан,
Ким ул азиз кимса азиз бул зотдан?

Бориб талабани қучдилар ҳазрат,
Оломон руҳида янгради ҳайрат.

Сарбозлар, аъёнлар ҳайратда эди,
Такаббур боёнлар ҳайратда эди.

Тағин отга минди Вазир бекалом,
Карвон ўз сафарин этказди давом.

...Охир бир мулозим сабри тугаб, лол,
Алишерга шундоқ ташлади савол:

— Кимга шу аснода бахт кулди экан,
Айтинг, ул талаба ким бўлди экан?

Ўйчан бир табассум қилди-ю жаноб,
Мулозимга секин айлади жавоб:

— Эсимда, ёш чоғим, кўп йиллар нари,
Менга сабоқ берган унинг падари.

◆ Муаллим улуғ ижодкор. У бутун куч-истеъдодини сарфлаб болаларда инсоний хусусиятларни яратади.

◆ Болажонлар вақти келиб жамият ҳаётида муносиб ўрин олсалар, бунинг учун аввало муаллим устозларидан миннатдор бўлмоқлари лозим.

◆ Мактаб ва ҳаёт — икки улуғ устоз. Уларга бутун умр қуллуқ қилсанг оз. Мактаб — ота бўлса, ҳаёт — она.

◆ Болаларда одамийлик фазилатларини уйғотиш, қалбларида она сути билан кирган сара куртакларни ундириш — муаллимларнинг шарафли бурчлари.

◆ Болаликка хизмат ўқитувчи каби бош муддаойим бўлди. Болалар дунёси — кенг, ўзига хос, ажиб дунё. Ўз қувонч-ташвишлари, ўз орзу-ҳаваслари, ўз саргузашт-ҳангомалари, ўз ўйин-кулгуларию, ўз сиру жумбоқларига тўла. Бу бой дунёга кириб қолган одам ундан чиқиб кетгиси келмайди. Менинг ана шу ажиб дунё билан қалин алоқа тутинганимга мана энди олтмиш йилдан ошибди. У мени оҳанграбодай ўзига тортиб ҳар томонлама қамраб олди. Кечмиш-кечирмишларим, ишларим, мақсад-ниятларим билан кичиклар оламига чамбарчас боғланиб кетдим. Ва у менинг ҳаётда ўз йўлимни топиб олишимда ёрдам берди. Олтмиш йил муқаддам ёзган ҳикоя машқларим, умр бўйи яратган катта-кичик асарларимнинг кўписи ва ниҳоят охирги «Оқ фотиҳа» хотира қиссам ҳам мароқли болалар оламига бағишланди. Оллоҳга шукроналар айтаман мақсадимга етказгани учун. Дарҳақиқат фарзандлар тарбиясига бутун умрни бахш этиб, азиз ўғил-қизлар қалби, руҳиятига миллий қадриятлар, умуминсоний фазилатларни сингдиришдан кўра савоблироқ ишни билмайман...

◆ Болалик — мангуликдир. Болалар ўз ота-оналарининг моддий ва маънавий меросларини авайлаб, келажак авлодларга етказадилар.

Агар устозлардан шогирдлар ўзмаса, тараққиёт қаёқдан бўлсин.

◆ — Болаларга ёзишдан мақсадингиз нима?

— Мақсадим — пок, мурғак қалбларга эзгулик уруғини сочиш. Бу уруғнинг униб чиқиб, нишона берганини кўришдан ҳам қувончлироқ нарса борми?

◆ Сизларни ўйлаганимда дилим яйраб, ёшлигим қайтиб келгандай ўзимни бардам сезаман. Гўё бир янги гаштли олам ичига кириб қолгандай руҳланиб кетаман. Ана шу руҳий кўтаринкилик менга куч, илҳом ато этади.

◆ Сизлардан миннатдорман. Узоқ умримда нима яхшилик топган бўлсам, барини сизларга хизматим ва муҳаббатимдан топдим.

◆ Одамларга керакли бўлиб яшашни ўрганинг. Мактабда ўқитувчиларингиз айтган ўгитлар умрингиз чироғи бўлсин.

◆ «Яхши» билан «ёмон»ни ажрата олган боладан келажакда катта нарсалар умид қилиш мумкин.

◆ Сиз болажонларимни фақат сиртқи кўринишда эмас, ақл-идрок, хулқ-одобда, юриш-туриш ва муомалада ҳам чиройли ҳолда кўргим келади. Чунки мактабда муаллимларингиздан олган таълим шуни тақозо этади.

◆ Болаларга ёзганда ўз ёшимни унутиб, қайта туғилгандай бўламан. Лекин кексайганда қайта туғилиш осон деб ўйламанг.

◆ Одам умрбод икки қарздан қутилмайди. Биринчиси она олдидаги, иккинчиси устоз олдидаги қарз.

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИККИ УЛУҒ УСТОЗ

Ҳикматнома

ОТАДАН АЗИЗ БИЛ

Дунёда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.
Абдурахмон ЖОМИЙ.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.
Алишер НАВОИЙ.

Қалам олдим қўлимга, шеър ёздим эл ҳаётини,
Амал қилдим ёзишда ҳар нимарса дедилар устоз.
Дилшод ОТИН.

Устоз суҳбати — жон озиғи.
САЪДИЙ.

Ҳеч ким устозсиз топмас жаҳонда иззату жоҳ,
Нечаким ҳашмат билан искандари даврон эрур.
ПОШШОХОЖА.

Устозни отадан азиз бил.
Лукмони ХАКИМ.

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 сентябрдаги Фармони билан мамлакат халқ таълими тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан катта бир гуруҳи юксак мукофотлар билан тақдирланди. Шу жумладан, мукофотланганлар орасида Тошкент шаҳридан қуйидагилар бор:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Сайпашша Улуғходжаевна — Сирғали тумани 303-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.

Гофуров Убайдулла — Ҳамза тумани 204-мактаб директори.

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Егоров Анатолий Васильевич — Тошкент давлат педагогика институти доценти.

Исроилова Нафиса Холматовна — Шайхонтоҳур тумани 102-мактаб тарих ўқитувчиси.

Исхакова Надежда Ишанкуловна — Собир Раҳимов тумани заиф эшитувчи болалар 102-махсус мактаб-интернат директори.

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Антипова Людмила Григорьевна — республика ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институти махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими кафедраси профессори.

Куканов Тўлқин Мирходжиевич — Ҳамза тумани болалар лицейи жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Полвонова Раъно Ибадуллаевна — Мирзо Улуғбек тумани 221-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Убайдуллаева Муяссар Пазиловна — республика ўқувчилар саройи «Бойчечак» болалар хор тўгарагининг раҳбари.

«ДУСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдалина Евгения Александровна — Тошкент давлат университети кафедра мудири.

Лошинин Анатолий Алексеевич — Бектемир тумани 24-болалар ўсмирлар спорт мактаби мураббийси.

Маневич Давид Вульфович — Тошкент давлат педагогика институти профессори.

Соболева Татьяна Алексеевна — Юнусобод тумани 51-гимназия мактаби француз тили ўқитувчиси.

Табарова Роза Шакировна — Собир Раҳимов тумани 309-Шарқ тиллари лицейининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Тилеукулов Сейдуали — Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Акбарова Камола Олимовна — Юнусобод тумани 272-мактаб форс тили ўқитувчиси.

Кашкаров Даниил Юрьевич — Тошкент давлат университети доценти.

Мирзаева Шаходат Собировна — Акмал Икромов тумани 283-мактаб математика ўқитувчиси.

Сулейманова Ҳолида Сдиковна — Мирзо Улуғбек тумани 64-мактаб кимё ўқитувчиси.

Султанов Тўлқин Ахметович — Сирғали тумани халқ таълими бўлими мудири.

Файзуллаева Малика Закировна — Чилонзор тумани 534-болалар боғчаси тарбиячиси.

Югай Илья Григорьевич — Тошкент давлат педагогика институти декани.

Ганиев Ислом Тўйчиевич — В. А. Успенский номли республика мусиқа мактаб-интернати ўқитувчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Рахматуллаева Манзура Абдуллаевна — Акмал Икромов тумани 245-мактаб кимё ўқитувчиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Абдуллаев Йўлдош — Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институти катта илмий ходими.

Абдуллаева Турсун Маҳмудовна — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси умумтаълим мактаблари бўлимининг бош инспектор-методисти.

Григорянц Аида Гайковна — Тошкент давлат педагогика институти профессори.

Икромов Жўрабой — «Халқ таълими» журналининг бош муҳаррири.

Исматова Матлуба Мухамедовна — Акмал Икромов тумани 129-мактаб тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси.

Каримова Омина Абдурахимовна — Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири.

Кочетов Борис Сергеевич — Миробод тумани 110-мактаб математика ўқитувчиси.

Тадеева Людмила Мухарбековна — Чилонзор тумани 182-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Ходжаева Любовь Анатольевна — Шайхонтоҳур тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕШЛАР МУРАББИЙСИ»

Бреднев Феликс Иманилович — Юнусобод тумани 1-болалар мусиқа мактаби директори.

Каськова Ирина Ивановна — Ҳамза тумани 145-мактаб физика ўқитувчиси.

Мирзаева Фатима Раҳимовна — Миробод тумани 147-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Нуриддинов Тахирхўжа — Собир Раҳимов тумани 22-мактаб араб тили ўқитувчиси.

Паздзерский Владимир Андреевич — Тошкент давлат университети профессори.

Эшонхўжаев Ғуломхўжа — Яккасарой тумани 144-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов элчилик ваколати муддатининг тугаши муносабати билан 24 сентябрь куни АҚШ элчиси Стенли Эскудерони қабул қилди.

● Кеча Тошкентга келган Франция сенатининг делегацияси аъзолари Олий Мажлисда бўлиб, ўзаро парламент алоқаларини ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр айирбошладилар. Франциянинг парламент делегацияси аъзолари шунингдек, Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият вазирликларида ҳам бўлдилар.

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеясининг Тошкентда бўлиб ўтган анжуманлари иштирокчилари Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилдилар.

● Японияниг дунёга машҳур Киодо Цусин ахборот агентлиги ҳамда ўндан зиёд газета шарҳловчиларидан иборат йирик журналистлар делегацияси Ташқи ишлар вазирлигида, Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлдилар. Япон журналистлари бир ҳафта давомида республикамиз корхона ва ташкилотлари, муассасаларида бўладилар, Самарқандни зиёрат қиладилар.

● Кеча Фарғона вилоятида Жанубий Корея билан ҳамкорликда улкан тўқимачилик мажмуаси қурилишига киришилди.

● Кеча Фарғона шаҳрида биржа маркази очилди.

● Кеча пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «ДЭУ-Юнител» компанияси уяли телефон алоқасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу республикамизда уяли телефонни жорий этаётган олтинчи хорижий компаниядир.

● Кеча Тошкентда анъанавий халқаро туризм ярмаркаси иш бошлади.

● Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ҳузурида жамоатчилик марказини ўрганиш маркази очилди.

● Халқаро «Экосан» жамғармаси Японияниг «Осиё яшил белбоғи» ҳаракати билан ҳамкорликда Тошкентда атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган халқаро анжуман ўтказди. Унинг ишида таниқли олимлар, атроф-муҳит бўйича мутахассислар, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, хорижий ваколатхоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

● Туркиянинг «Коч-Холдинг» компанияси автобуслари ва юк машиналарининг пойгаси уларни бир йилдан сўнг ишлаб чиқариш бошланадиган Самарқанд шаҳридан бошланди. Бу машиналар республикамизнинг барча вилоятлари бўйлаб 4 минг километрга яқин йўл босиб, 5 октябрда Тошкентга кириб келади.

ЖАҲОНДА

● Кеча Москвага расмий ташриф билан келган Франция Президенти Жак Ширак бугун Россия Президенти Борис Ельцин ҳамда Бош вазир Виктор Черномирдин билан икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ҳамда халқаро масалалар юзасидан фикр айирбошлайди. Ташриф якунида бир қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

● Бугун Нью-Йоркда ташқи ишлар вазирлари даражасида НАТО-Россия қўшма комиссиясининг мажлиси иш бошлади. Унда шу йил охирига қадар НАТО билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик режалари муҳокама этилмоқда.

● Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев икки кунлик расмий ташриф билан Италияда бўлиб, ҳар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича музокаралар ўтказди.

● Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳри атрофида толибонлар ва уларга қарши коалиция қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда. Толибонларнинг мамлакат шимолини ҳам тўла ўз назоратлари остига олиши хавфи олдида уларга қарши турган барча кучлар биринчи марта бирлашдилар.

● Сербияда 5 октябрь куни бўлиб ўтадиган президент сайловларининг иккинчи босқичида 21 сентябрдаги сайловларда 17 номзод ичида нисбатан кўпроқ овоз олган ҳукмрон сўл кучлар вакили Зоран Лилич ва радикаллар етакчиси Воислав Шешел давлат раҳбари лавозими учун курашиши маълум бўлди.

● Бугун АҚШнинг кўп марта фойдаланиладиган «Атлантис» кемаси космосга парвоз қилди. У шанбадан якшанбага ўтар кечаси «Мир» орбитал станцияси билан туташтирилади. АҚШ космик тадқиқотлар ташкилоти — НАСА раҳбарияти «Мир»даги кетма-кет авариялардан хавфсираб, фақатгина бевосита бу парвоз олдидан ўз астронавтининг Россия космонавти билан «Атлантис»да учишига ижозат берди. Америка астронавти 1998 йил январь ойигача «Мир» орбитал станциясида рус ҳамкасблари билан таъмирлаш ишларида иштирок этади. Бунинг учун «Мир»да ишдан чиққан компьютерни алмаштиришга мўлжалланган янги компьютер ҳам космосга олиб чиқилди.

● Эронда аҳоли кўз ўнгида олий жазога маҳкум этилган етти жиноятчи осиб ўлдирилди. Бундан бир неча кун илгари ҳам бу ерда беш жиноятчи осиб ўлдирилган эди.

Назорат инспекциясида

ТЕКШИРИШЛАР ТАРТИБГА СОЛИНСИН

Шаҳар назорат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижросининг аҳволи Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармасида ва унинг 9 та туман бўлимларида ўрганилди.

Ўрганиш натижаси шаҳар назорат инспекциясининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Йиғилишга туман ҳокимларининг ўринбосарлари, солиқ инспекцияси раҳбарлари таклиф қилиндилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — назорат инспекциясининг раҳбари Бадриддин Камолов олиб борди. Унда назорат органлари ўтказаётган текширишлар камаймаётганлиги, текширишларни ўтказаётган турли идораларнинг ушбу соҳадаги ишини мувофиқлаштиришга тўлиқ эришмаганлиги таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Акмал Икромов туманидаги «Фонон» корхонаси 8 ой мобайнида назорат органлари томонидан 10 маротаба текширилган. Шундан 5 таси солиқ идоралари томонидан ўтказилган. Ҳамза туманидаги «Кийим» ҳиссадорлик жамияти назорат органлари томонидан 6 марта текширилган бўлса, шундан 5 таси солиқ идоралари томонидан ўтказилган. Мирзо Улуғбек туманидаги «Рангли лок» ҳиссадорлик жамияти эса 26 маротаба текширилган. Шундан 4 таси солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган.

Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорда шаҳар давлат солиқ инспекцияси бош бошқармаси бошлиғи Алишер Валиевга мазкур Фармонни бажаришда йўл қўйган камчилик ва хатолари учун тегишли туман солиқ инспекцияси раҳбарларининг жавобгарлигини белгилаш, улар ишига принципиал баҳо бериш ҳамда кўрилган чоралар бўйича шаҳар назорат инспекциясига ахборот бериш топширилди.

Туманимизда ҳар ойнинг биринчи чоршанбаси «Маънавият ва маърифат» куни деб эълон қилинган. Ҳозирда барча меҳнат жамоалари, ташкилотлар, идоралар, ҳуқуқ-тартибот органлари, олий ўқув юртлари, илмгоҳлар ва маҳаллаларда бу кунни орзиқиб кутишадиган бўлишган.

Маънавият

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА

Аҳолининг маънавий-маърифий илм ва қадриятларга ташна эканлигини яхши англаган туман ҳокимлиги бу кунни юксак савияда ўтказиш мақсадида етук олимлар, қадимшунослар, мактаб ва маҳаллаларнинг билимдон кишилари иштирокида маърузалар, давра гурунглари ўтказилишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Айникса олимларнинг «Ахлоқ — маънавият ўзаги». «Комил маънавият — мустақиллик таянчи». «Эркин шахс камолотида иймон ва эътиқод». «Етук инсон маънавияти» сингари мазмунга бой, жонли суҳбатлари иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирмоқда.

Туман «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Тошкент Молия институтида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Мурод Шарифхўжаевнинг таҳририда профессор А. Маматовнинг «Маънавият асослари» ўқув дастури ишлаб чиқилди. Ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари ва мактаб ўқувчилари орасида давлатимиз мустақиллиги кунига бағишлаб ўтказилган «Илҳом чашмалари» кўрик-танлови, экологик тарбияга, ўтмишдаги сўнмас қадриятларимизнинг тикланишига, ўзбекни жаҳонга танитган азиз боболаримиздан Мир Алишер Навоий ва Мирзо Бобур ижодига бағишланган илмий-амалий анжуманлар барча иштирокчиларга манзур бўлди.

Мушарраф ЙЎЛДОШЕВА.
Юнусобод туман «Маънавият ва маърифат» марказининг масъул котиби.

Мустақиллик мевалари

«ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК»

Бу «Марказий Осиё батальони — 97» кўпмиллатли кучлар машқларининг асосий мақсади бўлди

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳаётида зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилса арзийдиган воқеа бўлди. Шу йилнинг 15 — 17 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳри яқинида Марказий Осиё батальони бўлинмалари ва АҚШ 82-ҳаво десанти армияси батальони ҳамда Россия, Туркия десант бўлинмаларининг қўшма ҳарбий машқларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Биринчи босқич ҳарбий машқлар ниҳоясига етиши биланоқ унинг иштирокчилари ҳаво транспорти ҳамда автомобилларда Ўзбекистон Республикасининг Чирчиқ шаҳри яқинида жойлашган дала-ўқув майдонига етиб келишди.

Мустақил Ўзбекистон Қуролли кучлари вакилларининг бундай кўпмиллатли кучлар таркибида ҳарбий машқларда иштирок этишлари биринчи сафар эмас. 1995 йилдаёқ зобит ва аскарларимиз АҚШнинг Луизиана штатида ўзлари учун мутлақо нотаниш шароитларда НАТОнинг энг тажрибали ҳарбийлари билан баб-баравар олдинга қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этган эдилар. Ўшанда ҳатто америкалик генерал ҳам бундай аскарлардан фахрланиш керак, деган эди. 1996 йилда эса Ўзбекистон Қуролли кучларининг вакиллари Марказий Осиё батальони таркибида АҚШнинг бу гал Шимолий Каролина штатида ўтказилган машқларда иштирок этдилар. Ўшанда улар 16 тараққий этган давлатнинг энг сараланган ҳарбийларидан қолишмадилар.

Бу йил эса мамлакатимизнинг қўшма аэровзводи НАТОнинг «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасида Норвегияда бўлиб ўтган кўпмиллатли кучлар машқларида қатнашдилар. Шу йил ёзда эса улар яна бир бор АҚШнинг Луизиана штатида бўлиб ўтган машқларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Ҳарбий машқларнинг иккинчи босқичи матбуот конференциясидан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-полковник Р. Аҳмедов конференцияни очиб, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Россия, АҚШ ва Туркиядан келган ҳарбий бошлиқларни матбуот ходимларига таништирди. Шундан сўнг Иккинчи босқич ҳарбий машқлар бошлиғи генерал-лейтенант Т. Қосимовга сўз берди. У йиғилганларга ҳарбий машқларнинг мақсади, турлари тўғрисида кенг тушунча берди.

Ҳарбий машқларнинг иккинчи босқичи 18-21 сентябрь кунлари бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё батальонидан 400 киши, АҚШнинг 82-ҳаво десанти дивизиясидан 136 кишидан иборат рота, Туркиядан 43 кишилик взвод, Россиядан 30, Грузиядан 30, Латвиядан 30 кишилик взводлар иштирок этишди.

«Марказий Осиё батальони -97» кўпмиллатли кучлар машқлари одатдан ташқари бошланди. Аввало курраи заминимизнинг нариги томонидан самолётларда 13 минг километр масофани бетўхтов учиб ўтган десантчилар Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри яқинига парашютларда сакрадилар. Ана шунинг ўзи бу десантчилар таркибида бўлган аскарларимиздан нақадар катта маҳорат талаб қилганлигини кўрсатиб турибди.

Чирчиқда ўтказилган машқларда эса кўпмиллатли кучларнинг можаролар юз берган ҳудудларда тинчликни сақлаш операцияларини ўтказиш кўникмалари ҳосил қилинди. Машқ кўмондонлари зобит ва аскарлар олдига кўққисдан кутилмаган вазифаларни қўярдилар. Ўзбекистон Қуролли кучлари вакиллари уларнинг ҳаммасини аъло даражада бажариб, кўмондонлик раҳматномасига сазовор бўлдилар.

Биз Марказий Осиё батальони штаб бошлиғи, қирғизистонлик майор Э. Тердекбоев билан суҳбатда бўлдик.

— Ўртоқ майор, биринчи босқич якунлари ҳамда унда Ўзбекистон вакилларининг қандай иштирок этганликлари тўғрисида гапириб берсангиз.

— Марказий Осиё батальони қандай дунёга келганлигидан хабарингиз бор. Батальон ташкил этилгандан буён зарур кўникмалар ҳосил қилинди. Бунда ҳеч шубҳасиз ўзбекистонликларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Илк бор Марказий Осиёда ўтказилаётган ҳарбий машқларга келсак, унинг биринчи босқичида лейтенант Р. Алимуҳамедов командирлик қилаётган взвод жангчилари жуда яхши кўрсаткичларга эришди. Бунда жангчилар оддий аскарлар Ҳ. Ҳасанов, Э. Юсупов, А. Арзиев, К. Ҳакимов, Х. Юсупов, Ф. Маматов, Д. Абдуҳакимов, Э. Жавлиевларнинг хизмати катта бўлди.

Мен бошқа жангчиларни ўзбекистонликлардан ўрнак олишга чақираман. Шуни қувонч билан айтаманки, америкаликлар ҳам ўзбекистонлик аскарларга қойил қолишяпти.

Қозоғистонлик мудофаа вазирлиги масъул ходими подполковник Ҳамид Раимкулов:

— БМТ раҳнамолигидаги «Марказий Осиё батальони» эзгу мақсадларни кўзлаб ташкил этилди. Ҳадемай шунга ҳам икки йил тўлади. Батальон жуда ёш. Аммо шунга қарамай дунё микёсида назарга тушди. Шу кунларда бўлиб ўтаётган ҳарбий машқлар фикримнинг далилидир. Қаранг, бу машқларда фақат Марказий Осиё батальони эмас, унда АҚШ 82-ҳаво десанти дивизияси батальони, Россия ва Туркия бўлинмалари ҳам иштирок этаётганлиги машқларнинг нуфузини янада оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жуда тўғри гапни айтди: «Тинчликни ҳамжиҳат бўлиб асраш зарур». Аввало, биз Марказий Осиё давлатлари бир ёқадан бош чиқарсак, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилсак, ҳеч қандай ташқи куч бизга тазйиқ ўтказа олмайди.

Биз бир-биримиздан ўрганишимиз, бир-биримизга ўргатишимиз керак.Аслида бизлар ҳар томонлама бир-бирларимизга яқин халқлармиз. Шунинг учун биримизнинг бахтимиз ҳаммамизнинг бахтимиз, биримизнинг ташвишимиз ҳаммамизнинг ташвишимиз бўлиши лозим.

Бутун дунёда маълуму машҳур ҳарбий юришларини жаҳоннинг ҳамма ҳарбий билим юртларида ўрганаётган лашкарбошиларимиз бор.

Мақсадимиз тинчлик. Ҳеч қачон уруш бўлмасин. Ушбу ҳарбий машқлардан кўзланган мақсад ҳам шу. Майли, ҳарбийларимиз машқлар ўтказаверишсин. Аммо ҳеч қачон ҳақиқий жанг майдонларига киришмасин. Ниятимиз дунёда ҳамиша тинчлик ҳукм сурсин.

Шундай пайтлар бўладики, вақт қандай тез ўтиб кетганлигини сезмай қоласан киши. Суҳбатимиз ҳали якун топгани йўқ эди. Аммо тантанали очилиш маросими бошланишига саноқли дақиқалар қолибди. Маросим бошланадиган майдон томон шошилдик.

Барқ уриб ўсаётган ўтлар билан бурканган майдонда ҳарбий либослари ўзларига жуда ярашиб турган Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, АҚШ, Туркия, Грузия, Россия ва Латвия жангчилари саф тортишган.

Минбардан ҳарбий бошлиқлар, давлат ва жамоатчилик вакиллари, кўп сонли матбуот ходимлари жой олишган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-полковник Р. Аҳмедов ҳарбий машқларнинг иккинчи босқичини очиқ деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов Президент Ислом Каримовнинг ҳарбий машқ иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Ҳарбий машқлар иккинчи босқичининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-полковник Р. Аҳмедов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг Америка Қўшма Штатлари Мудофаа вазирининг ўринбосари К. Кэллахер ўз вазирининг табригини ўқиб эшиттирди.

Сўнгра майдон узра Ўзбекистон, Грузия, Қозоғистон, Латвия, Қирғизистон, Россия, АҚШ ва Туркиянинг давлат байроқлари олиб ўтилди. Ҳарбий машқ иштирокчиларининг ҳарбий паради бўлиб ўтди. Шу чоқ осмонда ўзбекистонлик учувчилар бошқараётган СУ-27 самолётлари пайдо бўлиб, турли хил машқларни ижро этишди. Капитан Дадажонов раҳбарлигидаги десантчилар взводи парашютлардан сакраб, аэродромни ишғол этиш машқини намойиш этишди.

Парашютдан сакраган сержант Жамолов Ўзбекистон байроғини, старшина Аҳмедов ҳарбий машқлар иштирокчиларининг байроқларини олиб тушиб олқишларга сазовор бўлди.

Шу билан ҳарбий машқлар иккинчи босқичининг тантанали очилиши ниҳоясига етди. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Б. Қосимов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Қуёш ботиб, оқшом тушган чоғ ўқув машқлар майдонида куй, қўшиқ янгради, дилрабо рақслар ижро этилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Ўзбекистон Қуролли Кучлари Ашула ва рақс ансамбли ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров бошчилигидаги «Ялла» ансамбли жангчилар хизматида бўлишди.

Капитан Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

Сўз — машқ қатнашчиларига

ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ АЪЛО БЕЛГИСИ

Чирчиқда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШнинг Атлантика қўмондонлиги ва Центрразбат қўшинлари иштирокида йилнинг энг асосий ҳарбий машғулотлари бўлиб ўтганлиги давлатимизнинг тинчлик йўлида амалий олиб борилаётган ишлари натижаларидан биридир. Айни пайтда ўзбек қўшинлари Форт Браггда (Шимолий Каролина штати) АҚШнинг 82-ҳаво-десант дивизияси ҳамда Қозоғистон ва Қирғизистон қўшинлари билан ҳамкорликда машғулотларнинг бошланғич босқичида иштирок этишди. «Центрразбат-97» деб номланаётган мазкур машғулотлар АҚШ ва иштирокчи давлатлар мудофаа вазирликларининг ҳамкорликлари туфайли амалга оширилди. Биз ушбу ҳарбий машғулотларда бевосита иштирок этган давлатлар мутахассисларининг машғулотлар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Подполковник Р. ДЖОНСОН (АҚШ):

— Бу ерда кўрганларим жуда яхши таассурот қолдирди. Юксак ҳарбий маҳоратга эга бўлган мутахассисларнинг ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошганлигини кўриш мумкин. Бизлар, ҳарбий машғулот иштирокчилари учун ҳамма шароитларни муҳайё қилганларидан жуда миннатдормиз. Иштирокчилар ўз юртларига бу ўлканинг нафақат хушманзара жойларини, балки келажакда қўл келадиган тажрибани ҳам олиб кетадилар.

М. НЕЛЬСЕН (Дания):

— Менинг фикримча, ҳарбий машғулотларни кўнгилдагидек ўтказиш учун барча имкониятлардан аъло даражада фойдаланилган. Бу эса сизнинг армиянгиз малакали мутахассислар билан таъминланганлигидан ва армиянинг порлоқ келажагидан далолат беради.

Генерал-майор В. СОКОЛОВ (Россия):

— Шундай машғулотларда илк бор иштирок этишим. Машғулотларнинг муваффақиятли ўтганлиги бу — Ўзбекистон ҳарбий қўшинларининг аъло даражадаги ўқув-моддий базага эга эканлигидан дарак беради. Шахсан мен сизнинг ҳарбий хизматчиларингизнинг ҳарбий техникани ва қуролларни жуда моҳирона ишлатганликларининг гувоҳи бўлдим.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Таълим

ИЛМИЙ ТАЖРИБАХОНА

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида «Соғлом авлод учун» махсус илмий тажрибахонаси ташкил этилди. Бу ердаги илмий изланишлар тажрибахона олдида турган асосий вазифа ҳисобланади.

— Бу ерда соғлом авлодни тарбиялашнинг педагогик, физиологик, гигиеник асосларига доир илмий-услубий изланишлар олиб борилади, — дейди профессор Дилором Шарипова. — Махсус тайёрланаётган ишланма ва тавсиялар ўқув жараёнларини янада яхшилашда омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Талабаларга тиббий-гигиеник билимлар беришда биз «Тиббиёт фанлари асослари», «Ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси» ўқув дастурлари асосида иш кўрмоқдамиз.

Саодат ОДИЛОВА.

Ёднома

ЭЗГУ ИШЛАРИ ҚОЛДИ

Шундай одамлар бўладики, улар ҳаётдан кўз юмгандан кейин ҳам таниш-билиш, ошна-оғайнилар хотирасида ўчмас издай муҳрланиб қоладилар. Кейинчалик уларни ёдга олганда ширин сўзу илиқ меҳр билан хотирлайдилар. Мана шундай азиз инсонлардан бири пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Чиғатой маҳалласида яшаб ўтган Шоислом Шоҳакимов эди.

Шоислом ака ўзи ёшликдан орзу қилган муаллимлик касбини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида эгаллади. Аввалига Қибрайдаги 36-мактабда, кейинчалик Юнусобод туманидаги 102-махсус ёрдамчи мактабда бошланғич синфларда узоқ йиллар дарс бериб, жажжилар қалбида илм чироғини ёқди. Шоислом аканинг 35 йиллик педагогик фаолияти давомида қанчадан-қанча ўғил-қиз у кишининг қалб қўридан баҳраманд бўлмади дейсиз.

Шоислом ака маҳалла фаолларидан ҳисобланар эди. Чиғатой маҳалла қўмитаси фаоли сифатида 22 йил хизмат қилди. Маҳалладошлари орасида камтарлиги ўзгаларга яхшилик кўрсатиш сингари хислати туфайли обрў-эътибор қозонди. Бугунги кунда ҳам у кишини маҳалла аҳли ўзгача меҳр билан хотирлайди.

— Шоислом ака билан 1964 йилдан бери бир жойда яшадик, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Аҳроржон Йўлдошев. — Бир-биримизга қўздай қўшни эдик. У киши маҳалла қўмитаси котиби бўлиб ишлаган даврларда айниқса одамларга фойдаси кўп теккан. Бирор зарурият юзасидан ҳужжат лозим бўлса, умуман қайси масалада бўлмасин вақтнинг эрта-кечлигига, ишдан ҳориб келганига қарамай доимо ишимизни битириб берарди. Ҳузурига келган ҳар бир одамга хушмуомала эди. Бу инсон ўзгалар хотирасида содда, оққўнгиллиги, олижаноблиги билан ном қолдириб кетди.

Шоислом ака оилада турмуш ўртоғига вафоли ёр, фарзандларига меҳрибон ота эди. Турмуш ўртоғи Ҳадича ая билан 34 йил аҳиллик билан турмуш кечириб, 2 ўғил, 3 қизни вояга етказди. Эндиликда у одамдан хотира бўлиб элга қилган яхшиликлари, эзгу ишлари қолди. Бу ишларни Шоислом акага, тўғрироғи, эзгуликка қўйилган ҳайкал деса бўлади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

ЮКСАК МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Ўтган ҳафта Чирчиқда ўтказилган ҳарбий-ўқув машқларидан кўзланган асосий мақсад минтақавий ҳамкорликни яхшилаш, НАТОнинг тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастури асосида иш олиб бораётган мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни кенг йўлга қўйишдан иборат бўлди.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокка аъзо бўлмаган ва бундан кейин ҳам аъзо бўлмайди. У ҳар қандай баҳсли масалаларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилинишига қарши. Айни пайтда республикамиз ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига ҳурмат билан қараб, уларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдоридир. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш йўлида фаол ҳаракат қилаётган Ўзбекистон ҳукумати жаҳоннинг кўплаб нуфузли ташкилотлари томонидан ўтказилаётган анжуманларда ер юзида, хусусан минтақада тинчликни таъминлаш бўйича ғоят муҳим ташаббуслар билан чиқаётганлиги барчага яхши маълум. Ана шу мақсадда Америка Қўшма Штатлари ва Россия, Европа ва Осиё давлатлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириб бормоқда. Давлатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолиги остида НАТОнинг тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилаётган машғулотларда фаол иштирок этаётганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари томонидан 1995 йил 15 декабрда Жамбул шаҳрида ўтказилган учрашувда Марказий Осиё батальонини ташкил этиш тўғрисидаги Қарорнинг қабул қилиниши тинчликни таъминлашдек эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу батальон ташкил топганига қисқа вақт бўлганига қарамай, шу пайтгача Америка ва Норвегияда ўтказилган тинчлик ўрнатувчи кучларнинг қўшма машғулотларида иштирок этиб, керакли тажриба ва кўникмаларга эга бўлди.

15 сентябрда Қозоғистонда бошланиб, 20 сентябрда Ўзбекистонда якунланган навбатдаги машқларда Марказий Осиё батальони шахсий таркиби аниқ ва шиддат билан ҳаракат қилиб, олдига қўйилган вазифани аъло даражада бажарди. Қозоғистонда ўтказилган машқларда АҚШнинг 82-ҳаво десантчи дивизияси, Туркия ва Россия аскарлари иштирок этган бўлсалар. Ўзбекистонда уларга Грузия ва Латвиядан 30 кишилик взводлар қўшилди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Республикамиз ҳудудида илк марта ўтказилган ушбу машқларга юқори савияда тайёргарлик кўрганини кузатувчи ва меҳмон сифатида ташриф буюрган Дания ҳамда Италия ҳарбий мутахассислари биз билан суҳбатда алоҳида таъкидладилар.

Америкалик ҳарбий мутахассислардан бири Жим Патрик биз билан суҳбатда мазкур ҳарбий машқлар ҳақида мана бундай фикр билдирди:

— Чирчиқда ўтказилган бу ҳарбий тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди Жим Патрик. — Бу машғулотлар унда иштирок этган ҳар бир қўшин учун ва биринчи галда Ўзбекистон Қуролли кучлари учун ўзига хос ва муҳим синов бўлди. Машғулотларда Ўзбекистоннинг ҳаво қўшинлари айниқса юксак маҳоратга эга эканликларини намойиш этдилар. Бу қўшиннинг машқлари барчамизнинг эътиборимизни ўзига тортди.

Ушбу ҳарбий машқларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки унинг иштирокчилари жаҳоннинг турли бурчакларида яшовчи давлатлардан бўлишидан қатъий назар, аскарлар ягона мақсад — тинчлик ўрнатишга хизмат қиладилар.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

СУРАТЛАРДА: «Марказий Осиё батальони — 97» кўпмиллатли кучлар машқлари пайтида.

Шавкат Зуфаров олган суратлар.

Андижон вилоятида бирдан-бири гўзал қишлоқлар жуда кўп. Номлари ҳам жуда дилбар: Ширмонбулоқ, Қорабулоқ, Куйганёр, Яшил кўприк, Найнаво. Санъаткорлари кўп бўлмаса ҳам, санъатни жон-дилдан севадиган кишилар гўшаси бу Найнаво. Яқинда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвонига мушарраф бўлган Муножотхон Тешабоева асли Найнаводан бўлади.

Нишондорларимиз

НАЙНАВО ЧАШМАСИ

— Муножотхон, сизнинг овозангиз 1996 йилда Францияда Амир Темур соҳибқиронинг 660 йиллигига бағишланган, 1997 йилда эса Хива ва Бухоронинг 2500 йиллигига аталган тантаналарда таралди. Тағин Аброр Ҳидоятов номли драма театрида ҳеч иш қилмабман-да, деган хаёлга борманг... Париж хотиралари билан ўртоқлашсангиз.

— Биринчи олган таассуротим: Францияда Ўзбекистонимиз тарихини биздан кўра яхшироқ билишар экан.

У ерда чоп этилган китобларни, Амир Темур ҳақидаги махсус журнални кўриб, шу қарорга келдим. Иккинчиси: французлар ўзбек санъатини, айниқса халқ қўшиқларини жуда яхши кўришади. Театрлаштирилган томоша намойиш этганимизда бизда ишлаб кетган француз актёри Франсуа Шато сўзларини таржима қилиб турди. «Шитоб айлаб», «Кўча боғи 2»ни айтганимда томошабинлар катта севинч, қувончларини изҳор этишди. Биринчи боришимизда «Одеон» театри саҳнасида томоша қўйдик. Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига аталган «Буюк ипак йўли» театрлаштирилган томошамизни Жан Поль Бельмондонинг театрида кўрсатдик. Бу гал ҳам «Кўча боғи 2»ни айтдим.

Сиз билан мен Бухорони, Хивани, Самарқандни дилу жонимиз билан яхши кўрамиз. Лекин французлар биздан кўра кўпроқ иззат қилишар экан. Францияда юриб ўзбек қизи эканлигимдан жуда ҳам фахрландим.

Учинчиси: Парижнинг қаерига борманг озода, тоза. Одамлари ҳеч баланд овозда гаплашмайди. Юксак маданиятга эришган экан французлар. Албатта бунга йиллар, ҳатто асрлар керак бўлган.

— Мумтоз қўшиқларни жуда ҳам севиб ижро этасиз... Сабаби нимада?

— Оиламизда санъаткор йўқ. Нега айтяпти деманг яна. Журналистларнинг биринчи саволи шундай бўладида. Оллоҳ ҳар кимга ҳар нарсадан юқтиради. Менга санъатдан юқтирган бўлса не ажаб... Лекин отажоним хиргойи қилишни яхши кўрардилар. Гоҳ-гоҳида бор овозлари билан ашула айтиб юборардилар. Мен илк бор Андижон вилоятида ўтказилган ёш истеъдодлар фестивалида ғолиб чиққанимда, Тошкентга келганимда отажоним жуда қувонгандилар.

— Янглишмасам «Найнинг навоси» қўшиғини айтгандингиз ўшанда?!

— Қаердан биласиз? Тўғри, шу қўшиқни айтганман.

— Устозларингизнинг кувончи бир олам.

— Устозим кимлигини биласизми?

— Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев, топдимми?

— Бутун далилларни йиғиб юрибсизми дейман-а? Тўғри, Фаттоҳхон домланинг менга меҳнати кўп сингган.

Лекин мактабимизда «Чашма» ашула ва рақс ансамбли борлигини, унга Ширмонхон Ғаниева раҳбар бўлганини билмайсиз.

— Сиз дастлаб Муқимий театрига ишга келгансиз-а, Муножотхон!?

— Икки йил ишлаганман. «Гулсара»да Асал, «Лайли ва Мажнун»да Лайлини ўйнаганман. Ўшанда 1984 йил эди. 1986 йилда эса ҳозирги Аброр Ҳидоятов номли театрга ишга ўтганман.

— Эсимда. «Фармонбиби аразлади» томошаси қўйилганда Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова сизни табриклаб, томошадан сўнг жуда алқаган, кичкина дастурхон ёзган эди...

— Ўшанда Зуҳрани ўйнаган эдим. Эсингизда қолган эканда? Фароғат ая ҳаммамизнинг онамиздек. Икки йил аянинг уйида яшаганман. Она-бола бўлиб кетганмиз. У кишига ҳамиша ҳавас қилганман.

— Аброр Ҳидоятов номли театрда бир талай роллар ижро этгансиз. Сизни «Саратондаги изғирин»да Танзила, «Алвидо, ҳаёт»да Модистка, «Фармонбиби аразлади»да Зуҳра, «Армон»да Зебо, «Электро»да Электра қиёфасида кўрганмиз. Энг яхшилари қайси деб ўйлайсиз?

— Шоирона жавоб берайми: энг яхши ролимни ҳали ижро этганим йўқ. Устозларим Баҳодир Йўлдошев.

Бахтиёр Ихтиёровлардан олган таълимимни, уларнинг меҳнатларини оқлашим учун кўп ишлашим керак.

— Ҳозир театр жамоаси қайси томоша устида иш олиб боряпти?

— Шекспирнинг «Қирол Лир» фожиасини саҳналаштирмоқчимиз. Режиссёримиз ҳам хориж-лик. Мабодо менга ҳам роль насиб этса бутун куч-ғайратим билан ишлайман.

Темур УБАЙДУЛЛО ёзиб олди.

Умрни донишмандлар оқар сувга қиёслайдилар. Бу — бежиз эмас, албатта. Умрни хайрли иш — элга хизмат қилиш билан ўтказишга интилган инсоннинг ҳаёти, бу борада сарфланган меҳнат қишилар қалбидан жой олиб, миннатдорчилик туйғулари билан хотирланади. Кишилар номини ёдга олиш, улар меҳнатининг қадрланиши энг катта бахт десам муболаға бўлмас.

Хизмат

ҚАДР ТОПГАН МЕҲНАТ

Бундан чорак аср илгари, яъни 1972 йил 29 сентябрда шаҳри азим Тошкентнинг маълуму ва машҳур «Чорсу» бозори яқинида, муҳташам Кўкалдош мадрасасининг қаршисида Бош Универмаг (ГУМ) салобатли биносининг очилиш маросими бўлиб ўтган эди. Ушбу унутилмас маросимда иштирок этган республикамизнинг собиқ савдо вазири Ғ.Юсупов барча савдо ходимларини, универмагнинг тамал тошини қўйган Т.Тоҳировани муборакбод этганликлари худди кечагидек ёдимда.

25 йил бир навқирон йигитнинг умридир. Бу давр мобайнида қанчадан-қанча янгиликлар, ўзгаришлар рўй бериб, харидорлар хизматимиздан баҳраманд бўлдилар. Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейдилар.

Зукко, ташаббускор Т.Тоҳировани тадбиркорлиги, ишчанлиги универмагнинг халқимиз меҳрини қозонишдаги хизматини ёдга олсак, ёш кадрларимиз учун ибрат бўлади деган умиддаман.

Карвонга узоқни кўра биладиган киши сарбон бўлса, манзилга адашмай бориш анча осон бўлади. Шу йиллар мобайнида Я.Иброҳимов, З.Исломов универмагга раҳбарлик қилдилар. Уз касбининг устаси, ширинсўз, бағри кенг инсон Яҳё ака Иброҳимов хизматларини қадрлаб тилга олиш ўринлидир. Бошқа касбдаги каби савдо аҳлини ҳам устознинг дуосию оқ фотиҳасини олиш, доно маслаҳатларини дилга жо қилиш, устоз-шогирдлик анъаналари муқаддас қадриятларимизга айланган. 1992 йилдан бошлаб универмагга раҳбарлик қилиб келаётган Н.Аъзамқулов устозларнинг дуосини олиб, ғайрат билан меҳнат қилиб, аҳил жамоамизнинг ажойиб анъаналарини давом эттириб келмоқда.

Мустақиллик шарофати билан барча соҳадаги каби савдо соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Заррада қуёш акс этганидек, савдо аҳлининг меҳнати қадр топиб, уларнинг номлари покланди. Сир эмаски, собиқ шўролар замонида савдо аҳлига нисбатан нотўғри тасаввур шаклланиб, халқлар, мамлакатларни бир-бири билан боғловчи тижорат соҳаси қанчалик нозик бўлмасин назардан четда эди. Истиқлолнинг нурлари туфайли рўёбга чиқиб, ўзлигимизни англаб қадриятларимизни тикламоқдамиз.

Буюк ипак йўли бўйлаб савдо қилиб, дунё аҳлини билимдонлиги, тадбиркорлиги билан ҳайрону лол этган юксак салоҳиятли, маънавий баркамол, эътиқодли, тижорат илми ва маданиятини ғоят чуқур эгаллаган ҳамда ардоқлаган нуроний ота-боболаримизнинг бой меросини ўрганишимиз, ушбу заргарона меҳнатни мукаммал ўзлаштиришимиз учун қулай шарт-шароитлар етилмоқда. Диди нозик харидорларимиз, ажойиб халқимиз хизматига камарбаста бўлиб ишлаш учун универмагимизда умуман 700 киши, 25 йилдан бери 100 киши касбга садоқат, корхонага меҳр билан ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқдалар.

Халқимизнинг гўзал инсоний фазилатларини, малакали савдо хизматини намойиш этиш билан уларни мамнун қилиш йўлида ходимларимиз Инсон манфаатлари йилида масъулиятни яхши ҳис этган ҳолда эзгу ният билан меҳнат қилмоқдалар.

Бозор муносабатларига ўтиш натижасида универмаг 1993 йилда «Чорсу универмаги» савдо ишлаб чиқариш жамиятига айлантирилди.

Савдо хизматини яхшилаш, истъемол бозорини тўлдириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди.

Универмагда мустақил равишда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга асосий эътибор берилиб, 1996 йилда 40 га яқин чет эл фирмалари билан шартнома тузилган эди.

«Чорсу универмаги» савдо-ишлаб чиқариш жамияти раиси Неъматилла ака Аъзамқулов билан универмагнинг келажаги ҳақида суҳбатлашганимда: «Яхши ният — ярим давлат» деганларидек, биз ҳам универмагни супермаркетга айлантиришимиз, аста-секинлик билан бўлсада, жаҳон андозалари даражасига чиқиб, дунё кўрган тужжор бобокалонларимизнинг эзгу ишларини баҳоли қудрат давом эттиришимиз ҳам фарз, ҳам қарздир» деб айтдилар.

Зеро, «Оққан дарё оқаверади» деб бежиз айтишмаган. Улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Универмагда ўз касбини севган ажойиб инсонлар, савдо аҳли оилалари баракали меҳнати, гўзал муомала маданияти билан ҳамкасблари ҳурматини қозониб келмоқдалар.

Инсон хотираси муқаддасдир. Ўтган йиллар мобайнида ўзининг ғайрат-шижоати, бой билим ва тажрибасини савдо маданиятини ривожлантириш учун сарфлаган С.Мирилёсов, П.Азимов каби жонкуяр ходимларимизни ёдга олиш жамоамиз аҳли учун фарздир. Бинобарин меҳр-оқибатли меҳнат жамоасида иш ҳам унумли, ҳам баракали бўлади.

Ишга ана шундай эзгу ўй-ниятлар билан келаётганимда қўҳна Шарқнинг буюк алломаларидан бўлган Хўжа Аҳрор Валий ҳазратлари томонидан қурилган Кўкалдош мадрасасининг пештоқида саҳий қуёшнинг заррин нурлари товланаётганлиги эътиборимни жалб этиб, шундай муқаддас, табаррук маскан яқинида ишлаётганимдан дилим яйраб, руҳим енгил бўлган ҳолда универмаг эшигининг остонасига қадам қўяман.

Аҳли мўминга маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассалам ҳам савдогар бўлганлар. Яратгандан ушбу табаррук касбни баҳоли қудрат давом эттириб, халқимизга ҳалол, самимий хизмат қилиш, элимиз дастурхони қут-баракали бўлиши учун пок ниятлар, орзу-умидлар билан қалб кўримизни бағишлаб яшаяпмиз. Ушбу қутлуғ кунларда аҳил жамоамизни самимий табриклаб, халқимизга хизмат қилишдек хайрли ишида омад, оилавий бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, меҳр-оқибат доимо ҳамроҳ бўлишига тилакдошман.

Жамилахон МИРҲАМИДОВА, «Чорсу универмаги» савдо-ишлаб чиқариш жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси.

Исроил

ШАКАР ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЎСИМЛИК

Қуддус университети кимё факультети олимларининг бир гуруҳи оддий шакардан 300 баравар ширин табиий шакар олиш мумкин бўлган ноёб ўсимлик турини етиштиришга муваффақ бўлди.

Тадқиқотлар дала шароитида Шаар Анегев деган жойда ўтказилди.

Тадқиқотчилар мазкур ўсимликни саноат миқёсида етиштириш мумкин бўлади, деб умид билдиришмоқда. Яқинда АҚШ дори-дармонлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бошқармасида янги табиий шакардан фойдаланишга рухсат берадиган сертификат олинди. Қуддус университети органик кимё бўлими тадқиқот гуруҳи раҳбари профессор Рафаэль Иконнинг таъкидлашича, «янги табиий шакарнинг афзал томонлари унинг ўта ширинлиги ҳамда қанд диабети билан касалланган беморлар учун жуда фойдалилигидан иборатдир».

5 ҚУРУВЧИ ЎРНИДА

Хайф Техниони ҳузуридаги Қурилиш муаммолари тадқиқоти миллий институтида бешта қурувчининг ўрнини босиб, самарали, тез ва аниқ, сифатли ишлай оладиган робот яратилди. Робот махсус узун ричаг билан таъминланган бўлиб, унинг шакллари ва ўлчами муайян вазифалардан келиб чиқиб ўзгариб туради. Робот яратувчилар уни уч иш тури: ички деворлар ва тўсиқлар қуриш, суваш ва бўяш, керамик ва кафель плиткалари қўйишни бажаришга ўргатдилар.

Ишланмалар Хайф Техниони ҳузуридаги фуқаролик қурилиши факультетидан доктор Йехиэль Розенфельд ва доктор Рони Навон раҳбарлигида амалга оширилди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур робот жуда зарур. Чунки робот қурилишдаги қатор жиддий муаммолар — қурувчиларнинг тез толиқиши ва ишнинг узлуксизлиги, бунинг натижасида вужудга келадиган хатар, атроф- муҳитнинг ифлосланишини ҳал қилиш имконини беради.

ЭЛЕКТР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ «ТИПРАТИКАН»

«Типратикан» номини олган қуёш батареяларининг энг янги тизими Реховотдаги Вайцман номидаги институтда ишлаб чиқилди ва ихтиро сифатида халқаро патентни олди. Жаҳоннинг бир қатор йирик электр компаниялари қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларини бир неча бор кенгайтирувчи янги ишланмага қизиқиш кўрсатяптилар.

Ихтиро муаллифлари — профессор Яков Карни, доктор Аба Крабс, Вайцман номидаги институтдан доктор Рахамим Рубин, шунингдек Димондаги ядро тадқиқотлари марказининг тижорат филиали бўлган «Ротем» компаниясидан Дани Саги бошчилигидаги олимлар гуруҳиди.

Янги ишланма «Қуёш қалъаси» — жаҳондаги энг замонавий қуёш энергиясидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш марказларининг бирида ўтган махсус симпозиум доирасида кўрсатилди.

Қуёш батареяси ўнлаб «игна»лардан ташкил топган ва типратиканни эслатади. Улар ноёб сопол материалдан тайёрланган ва оригинал геометрик платформага ўрнатилган. Бу усул қуёш радиациясини энг кўп тутишга, шунингдек ҳар гал ҳарорат кескин ўзгарганда жисмларнинг кенгайиши ёки қисилиши оқибатида игналарнинг синиши олдини олади. Игналар орасида айланаётган ҳаво исийди, пайдо бўлаётган иссиқлиқ электр ишлаб чиқарувчи газ турбинасига киритилади.

Бундан ташқари бу мосламада кварц ойнасидан тайёрланган конус формасидаги махсус дераза мавжуд. У пўлатга қараганда 50 баробар катта босимга чидайди. Электр ишлаб чиқувчи турбинадан фойдаланилганда босимнинг энг юқори кучини ҳисобга олиш зарур.

ҚАДАМЛАРНИ САНАЙДИГАН ГИЛАМ

Икки исроиллик олим — Эуд Горен ва Эфраим Герати жуда ноёб гилам ихтиро қилдилар. Дунёда ягона бу гилам, жумладан, савдо марказига қанча одам киргани ва чиққанини санаб бериши мумкин.

Бу йўл билан эшиклари остига шундай гилам солинган савдо марказининг қурилиш хизмати иш кунининг охирида ҳамма кирган одамлар чиқдими ёки йўқми билиб олиши мумкин. Агар кирганлардан биронтаси чиқмаган бўлса, гилам буни дарҳол аниқлайди. Бундан ташқари кираётган кишиларнинг вазни ҳақида ҳам ахборот бериши мумкин.

Горен ва Герати бу гиламни ишлаб чиқиш учун уч йил сарфладилар ва жаҳон ихтироси патентини олдилар. Яқин орада бу гилам савдога чиқади. Эни 60 сантиметр бўлган бу гилам махсус датчиклар билан таъминлаган, булар қадамларга қараб кираётган кишилар сонини ҳисоблайдилар. Ахборот «қора қути»га киритилади ва тўпланади. У ерда ишланади ва шу вақтнинг ўзида савдо марказининг назорат-диспетчер пультида олиниши мумкин. Гиламнинг тахминий нархи биринчи вақтларда бир неча минг долларга етиши мумкин.

Назм

КЎЗЛАЙМИЗ ИСТИҚБОЛНИ

Куйлаймиз истиқлолни,
Кўзлаймиз истиқболни.
Мустақиллик бизларга
Берди бахту иқболни.

Дунёда биз бахтлимиз,
Шиддатлидир шаҳдимиз.
Тинчлик бўлсин Ватанда
Шудир дилда аҳдимиз.

Ҳар бир киши ҳар куни
Билиб умрин мазмунин,
Қилса савобли ишни
Халқим олқишлар уни.

Элим-юртим дея биз,
Мудом ёниб яшаймиз.
Ўзбек фарзанди номин
Оқлашга доим шаймиз.

Куйлаймиз истиқлолни,
Кўзлаймиз истиқболни.
Мустақиллик бизларга
Берди бахту иқболни!

ҲУМО ҚУШЛИ ГЕРБИМИЗ

Бебаҳо бойликка кон
Бизнинг она еримиз.
Сахий бағридан нишон
Ҳумо қушли гербимиз.

Неки нодир неъмат бор
Биз саралаб тердимиз.
Барини айлар нисор
Ҳумо қушли гербимиз.

Ўзбек халқи меҳрини
Гербимизга бердимиз.
Шу сабабдан қадрли
Ҳумо қушли гербимиз.

Наримон ОРИФЖОНОВ.

Оилавий ТЕСТ

ЎЗИНГИЗДА СИНАБ КЎРИНГ

Болаларни тарбиялашни у туғилганидан бошланг, ҳатто туғилмасидан олдин бошласангиз чиндан ҳам яхши бўлади, дейишади донишмандлар. Шундай экан, ҳозир болаларингизга қандай тарбия бераяпсиз? Ўзингизни тутган йўлингиз, услубингиз маъқулми? Келинг, яхшиси, ушбу тест саволларига жавоб беринг.

1. Болангиз узоқ вақт бўлар-бўлмасга йиғлайверадими?
Сиз нима қиласиз?
а/ўз ишимни қилавераман, эътибор бермайман;
б/у нега йиғлаётганини англашга ҳаракат қиламан; овутаман;
в/ «тез ёрдам», дўхтир чақираман.

2. Турмуш ўртоғингиз билан тез-тез уришиб қоласизми? Болаларнинг олдида ҳамми?
а/ уриш-жанжалсиз уй йўқ. Жанжаллашсак уни болалардан яширмаймиз;
б/ болалар борида сира ҳам сан-манга бормаймиз;
в/ жанжал бола тарбияси хусусида чиқади. Уни болаларга асло сездирмаймиз.

3. Болангиз атак-чечак қилиб биринчи қадамини босди. Нима қилардингиз?
а/ ҳамма болалар эртами-кечми йўлга киради. Нима бўпти?
б/ уйдагиларни чақириб, мақтаниб кўрсатаман;
в/ кўни-қўшни, таниш-билишларга айтаман.

4. Болангизнинг илк тиши чикди. Нима қилардингиз?
а/ менинг оғзимда 32 та тишим бор. Нима бўпти?
б/ ошна-оғайни, таниш-билишларга айтаман;
в/ боланинг ҳароратини ўлчаб, дўхтир чақираман.

5. Болангиз сизнинг энг яхши кўрган идишингизни синдириб қўйди. Нима қиласиз?
а/ «Бу юз йиллик ёдгорлик эди!» деб болага ташланаман;
б/ «эҳтиёт бўлгин» деб болани койийман;
в/ «келган бало шунга урсин», дейман.

6. Спиртли ичимлик ичасизми?
а/ ичаман, ичкилик ичиш айб эмас;
б/ камдан-кам, болам буни билмайди;
в/ ичмайман, болага ёмон таъсир этади.

7. Болангиз ҳарф таниб, бир сўзни ўқиди. Нима қиласиз?
а/ у биронта ҳарфни айтолмаётганини сезаман;
б/ уни мақтаб, қолганини ўқиб бераман;
в/ китоб магазинидан китоблар олиб келиб бераман.

Ҳар бир саволга мослаб жавоб беринг. «а» даги жавобга 5, «б» даги жавобга 10, «в»даги жавобга 15 очко оласиз.

Эътибор беринг:
35-45 очко — болангизга яна ҳам эътиборлироқ, меҳрибонроқ бўлинг. Чамаси ўзингиз билан, ишингиз билан кўп машғул бўлар экансиз.
50-70 очко — болангизга муносабатингиз жуда яхши. Лекин барибир унутманг: боланинг хулқ-атвори шаклланиши сизнинг ўзингизни тутишингизга боғлиқ.
75 ва ундан юқори очко — ҳадеб болага парвона бўлаверманг. Сал-пал ўз ҳолига ҳам қўйинг. Яна бир фарзанд кўрсангиз, ажойиб тарбиячи бўлишингиз шубҳасиз.

Қани, азизлар, ўзингизни бир синаб кўринг!

Ғолиб МИРЗО.



Кулишларинг ўзингга,
Ярашгандан ярашган.
Ота-онанг чеҳрангга,
Сира тўймай қарашган.

Ўзинг мазмун, доимо
Баҳору қиш ёзимга.
Омон бўлгин бахтимга
Шакар қизим Нозима!

Рашид Галиев олган сурат лавҳа.

Ажойиботлар

УЙДАГИ ЗАВОД

Англиялик Билл Смит ихчам машина ихтиро қилишга муваффақ бўлди. Бу «Пак местер» деб номланган машинада турли уй-рўзғор чиқиндиларини пресслаш, ҳатто шиша идишларни ҳам майдалаш мумкин. Муҳими, у электр қувватида ишлайди. Катталиги эса музлатгичдек келади.

ИККИ ҚАВАТЛИ ПОЕЗД

Японияликлар нималарни ўйлаб топишмайди дейсиз. Япониянинг марказий қисмидаги йўналишда яқин йиллардан бошлаб икки қаватли йўловчи поездлар пайдо бўлади. Шарқий Япония темир йўл корпорацияси маъмурияти ана шундай қарорга келган. Чунки бу Токиони атрофдаги туманлар билан боғлашдаги транспорт муаммосини бирозгина бўлса ҳам ҳал этади.

АНТИҚА МОСЛАМА

Американинг «Юнайтед технолэджи» фирмаси муҳандислари одамлар баданидаги ҳароратни сезиб чироқни ёқиб ўчирадиган мослама яратдилар.

Электрон детектор хонага одам кириши билан дарҳол чироқни ёқади. Хонадан ҳамма кетиб, орадан 15 сония ўтгач, чироқ автомат тарзда ўчади. Нью-Йоркдаги фирмалардан бирига ўрнатилган бу қурилма электр энергияси сарфини 50 фоизга қисқартирган. Лекин уни ўрнатиш қимматга тушади. Орадан уч йил ўтгачгина у ўз харажатини қоплайди.

АХЛАТ ҚУТИЛАРИ ГАПИРАДИ

Уэльснинг шарқий қисмида жойлашган Рексхем шаҳри кўчаларида ахлат қутилари ҳам гапирар экан. Улар «Тозаликни сақлаганингиз учун шаҳар кенгаши номидан сизга ташаккур!» деб ахлат олиб келганларга миннатдорчилик билдирибгина қолмасдан эндиликда кўпгина фирма эгаларининг ўз маҳсулотларини реклама қилишида ҳам муҳим воситага айланган.

Ҳозиргача икки юздан ортиқ фирма маҳсулотлари ойнаи жаҳонда эмас, балки шу қутиларга ёпиштирилиб, реклама қилинади. Чунки гапирадиган қутилар кўпчиликнинг эътиборини тортадида. Фирма эгалари эса бу имкониятдан унумли фойдаланиб қолишмоқда.

Дилноза ҒИЁСОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ИШГА МАРҲАМАТ!

«Ўзбекистон почтаси» Давлат Акциядорлар компанияси шартнома асосида олий маълумотли, камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ёши 40 дан ошмаган, ўзбек ва рус тилларини биладиган мутахассисларни қуйидаги лавозимларга:

Кузатув кенгашининг ташкилий бўлими бошлиғи лавозимига ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган мутахассисни, бош мутахассис лавозимига — Акциядорлар жамиятида қимматбаҳо қоғозлар билан ишлашда тажрибага эга иқтисодчини; етакчи мутахассис лавозимига — алоқа соҳасида ишлаган мутахассисни;

Халқаро почта бўлими: бошлиқ лавозимига — инглиз ёки француз тилларини биладиган мутахассисни (иш хорижий сафарлар билан боғлиқ); мутахассис лавозимига инглиз ёки француз тилларини луғат ёрдамида таржима қила оладиган мутахассисни;

Транспорт ва почта ташиш бўлими: бош мутахассис лавозимига — алоқа соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни; етакчи мутахассис лавозимига автотранспорт мутахассисини;

Юридик хизмат бошлиғи ва ҳуқуқшунос лавозимларига — олий юридик маълумотли мутахассисларни;

Автоматлаштириш бўлими бошлиғи лавозимига — олий техник маълумотли, бошқаришни автоматлаштириш тизими мутахассисини;

Матбуот тарқатиш бўлимига етакчи мутахассис лавозимига;

Моддий-техника таъминоти бўйича етакчи мутахассис лавозимига — олий маълумотли мутахассисни; қурилиш бўйича етакчи мутахассис лавозимига — қурилиш институтини битирган

Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган мутахассисларни ишга таклиф қилади.

МУРОЖААТ УЧУН манзил: Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй (Олой бозори ёнида).
Телефонлар: 34-89-41, 133-57-47

Тошкентликлар диққатига!

Ичимлик суви босимининг пасайиши ҳақида

"Сувсоз" тресты сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларини бажариши ва 1997 йил кузги-қишки мавсумига тайёрлаш муносабати билан истеъмолчиларга ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

2 октябрь соат 9.00 дан 3 октябрь соат 9.00 гача.

1. Чилонзор тумани: "Тинчлик", "Хайрабод" маҳалласи, 19, 20 - мавзеларда сув босими пасаяди.
Акмал Икромов тумани: 24, 26 -мавзелар.
Сирғали тумани: сув босими ялпи пасаяди.
2. Миробод тумани: Фарғона йўли, Мирсолиҳов, Сарикўл ва 2-тор Фарғона йўли кўчалари чегараларида сув бўлмайди.

7 октябрь соат 9.00 дан 8 октябрь соат 9.00 гача.

1. С. Раҳимов тумани: Талабалар шаҳарчаси, Зарбдор, Шифокор, Тошмуҳамедов ва Жумаев тор кўчаларида сув босими пасаяди.
2. С. Раҳимов тумани: Форобий ва унга яқин кўчаларда сув бўлмайди.
Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи автомашиналар сувни етказиб беради.

Тел.: 133-15-95, 133-75-95, 56-60-06.

Бизнес Мактабига

МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ёшларига кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида билим бериш мақсадида Тошкент Молия институти қошида бизнес мактаби очилди. Бизнес мактаби кичик ва хусусий бизнес бошқарувчиларини тайёрлайди. Унга 11-синфни битирган Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ёшлари қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар 1997 йил 1 октябргача ҳужжатларини топширишлари мумкин.

БИЗНЕС МАКТАБИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Манзилимиз:
Тошкент шаҳар,
Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй.
Тел. 34-32-04.

ВАҚТИНЧА ИШЛАМАЁТГАН ВА ИШ ҚИДИРАЁТГАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

3 октябрда Юнусобод тумани ҳокимлиги, меҳнат биржаси ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил қилинган "Бўш иш жойи ва вакант ўринлар" ярмаркаси ўтказилади. Ишсизлар, ишдан бўшатилганлар ярмаркага келиб касб-ҳунар танлашлари, билим юртларига йўлланмалар ва керакли маслаҳатлар олиши мумкин.

Ярмарка "Олой" бозорининг Марказий павильонида соат 9.00 дан 14.00 гача ўтказилади. 2, 3, 16, 25, 28, 29 - трамвайларнинг ва 9, 19, 38, 51, 60, 72, 91, 92, 115, 165 - автобусларнинг "Олой" бозори бекати.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш юзасидан режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан Сирғали-2 даҳасидаги 57/58-АТСда 26 сентябрдан 10 октябргача алоқа бўлмайди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Мингчинор қўрғони, 9-бўлимда 16 сотих ерли уй
СОТИЛАДИ
Тошкентдаги 21-05-05 телефонга эрталаб соат 6 дан 9 гача, кечаси соат 21 дан 24 гача мурожаат қилинг.

Темир эшик, панжара, дарвоза тайёрлаб, ўрнатилади.
Тел: 74-76-07, 68-18-57, 78-21-74.



ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

29 сентябрдан 5 октябргача кўриб, дам олинг

ДУШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Шарқ тароналари». 7-кўрсатув.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Даврнинг узилмас ришталари».
9.05 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
9.25 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.50 «Алдар Кўса ва бой». Мультфильм.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар (Ҳиндистон).
12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
13.10 «Ўзкинохроника» намойиш этади. «Пахта».
13.20—14.00 Телевизион миниатюралар театри. «Шийпондаги ҳангомалар».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин мих». Мультфильм.
18.20 «Умид учқунлари».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 Бухоро—2500. «Афсонавий Бухоро».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти, «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. (Ёзиб олинган).
22.30 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Мусҳафи Усмон».
22.50 «Ҳуқуқий жамият сари».
23.05 II Марказий Осиё ўйинлари якунларига доир.
23.40 «Ахборот».
00.05 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 «Кундалик».
22.10 «Бешинчи ўлчов».
22.25 «Спорт қитъаси».
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.20 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Одаматонинг қовурғаси». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.50 — 22.15
*
22.15 «Кругозор». Тележурнал.
22.45 — 23.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мулькарусель».
19.00, 22.10 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Дидар».
20.00 «Жаҳон».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Фариштам».
20.55 «Умр баҳори».
21.10 «Спорт-тайм».
21.40 «Ракурс».
22.15 «Таассуротлар оғушида». Ҳужжатли фильм (Япония).
22.40 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.25 «Мулоҳаза».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фаровонлик манбаи».
9.40 «Олам ва одам».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Авлод».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
*
11.25 «Дунё адабиёти».
11.45—14.00 Ш. Бошбеков. «Темир хотин». Шакаржон қизиқ Юсуфжонов номидаги Фарғона вилоят театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Эл тинчлиги йўлида».
18.30 «Шарқ тароналари». 8-кўрсатув.
18.55 «Ажаб саодат эрур...» Адабий кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таянч нуқтаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Меҳр нур». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланади.
21.30 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
21.45 «Санъат дўстликка чорлайди». Чарльз Ансбакер.
22.10 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.35 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Хазина».
22.55 «Маънавият боғи». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.15 «Чемпион сафардан қайтди». Н. Толипов.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Умрбоқий тароналар».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 Кинонигоҳ. «Инспектор «Морс». 9-серия.
23.15 Кундалик.
23.25 «Акс».
23.45 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
24.00 — 00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Цирк артистининг куни». Телевизион бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси.
21.45 — 22.05
22.05 «Афсонавий шаҳарда». Телефильм.
22.15 — 22.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.05, 22.00 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.10 «Мусиқий фрагмент».
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.45 «Дорихона эшитади».
21.20 «Жонли тил».
22.05 «Моҳир».
22.35 «Мусиқий фрагмент».
22.40 «Европа манзаралари».
23.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 1

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти, «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
9.55 «Излаган имкон топади».
10.15 «Санъат дўстликка чорлайди». Чарльз Ансбакер.
10.40 «Чамандаги гулларимиз».
11.00 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
12.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.50 «Муҳаббатга Ватандир юрак». Киноконцерт.
13.10 Уйғун. «Зебунисо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Той бола».
15.00 «Сайқал». Видеоканал.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Нефтчи» (Фарғона). Танаффус пайтида — «Филча ва мактуб». Мультфильм.
17.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Оҳангларда қалб ҳарорати».
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Беодоб бола». «Серғайрат кампир». Мультфильмлар.
18.20 «Бокира туйғулар».
18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.45 Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол-97» телефестивали
19.05 Хива-2500. «Тарихингдур бир жаҳон».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳидоят сари». Маърифий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Кутлов». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўрсатув.
22.10 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
22.40 Футбол, учрашувлар, натижалар.
22.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.50 «Ахборот».
00.15 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадамба-қадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табиат дунёси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 Кундалик.
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.35
*
20.35 Ўқитувчилар кунига. «Мусиқа ҳамма учун».
21.05 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.35 «Бриллиант қўл». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси.
23.15 — 23.35
*
23.35 Эълонлар.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мулькарусель».
19.00, 22.25 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Осойишта хонадонда».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 «Азизим».
21.00 «Устоз».
21.30 «Автосалтанат».
21.40 «Эллада».
22.05 «Ҳаёт карвони».
22.30 «Дунё эшиги». Хитой Халқ Республикасининг Мустақиллик кунига.
23.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол-97» телефестивали.
9.45 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қизиқарли учрашувлар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Япон тили.
11.40 Алифбо сабоқлари.
*
12.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
13.10 — 14.00 «Кутлов». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўрсатув.
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Навбаҳор» (Наманган). 2-тайм.
19.00 «Ризқ макони».
19.10 «Шарқ тароналари». 9-кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов концерти.
21.55 «Иймон».
22.25 Шавкат Раҳмон. «Оқибат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.50 «Таҳлил».
23.05 «Биламиз-у, аммо...».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Унвони инсон». «Ўзкинохроника» премьераси.
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Мультипанорама».
9.15 «Нафосат».
9.25 «Синфдош».
9.45 «Тухфа».
9.55 «Бу мунис лаҳзалар».
10.20 «Даллас». Телесериал.
11.10 «Жараён».
11.20 Видео—«О».
12.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Сир».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Келин-куёв». Телешоу.
21.35 «Одамлар орасида».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кино жавонидан».
23.40 — 23.50 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.35
20.35 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.40 — 23.05
*
23.05 Бухоро — 2500. «Бухоро — музей шаҳри». Телефильм.
23.15 — 23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мулькарусель».
19.00, 22.40 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шалом».
20.20 «02» тулқинида.
20.35 «Минг бир маслаҳат».
20.50 «Компьютер-ревю».
21.05 «Тасвир».
21.15 «Америка президентлари».
21.45 «Соғлом йўналиш».
22.00 «Интерспорт».
22.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.45 «Инспектор Ракка». Телесериал.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Шарқ тароналари». 9-кўрсатув.
8.40 «Юзма-юз».
9.00 «Талаба ва спорт».
9.20 «Соғлом авлод».
9.35 «Олов дамини даф этиб...»
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 География.
*
12.00 «Соз ва овоз». Мусиқий кўрсатув.
12.20 «Зар дарё — заррин дарё».
12.40 — 14.00 «Замонавий аёл». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ёш теннисчилар».
18.25 «Қалб гавҳари». Маърифий кўрсатув.
18.50 «Оламни асранг!»
19.05 Бухоро — 2500. «Бухорои Шариф».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «УзДЭУавтотеххизмат: ҳамкорлик истиқболлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Санъаткор саодати». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров.
21.50 «Ватанни севмоқ иймондандир...»
22.15 «Мусиқа ва ҳаёт».
«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури.
22.35 «Олам».
22.50 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7-қисм (Миср Араб Республикаси).
23.40 «Ахборот».
00.05 — 00.10 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Эркатой». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Сир».
10.10 «Дубляж».
10.25 «Мутойиба».
10.40 «Келин-куёв». Телешоу.
11.15 «Одамлар орасида».
11.40 — 13.10 «Кино жавонидан».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «XXI аср авлодлари».
18.55 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.05 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.15 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дил дафтари».
20.00 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Дераза».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.10 «7 дан 70 гача».
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00
* * *
17.20 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Филаделфия тажрибаси». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.20 — 22.45
*
22.45 «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм.
23.15 — 23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мулькарусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Рангинкамон».
20.20 «Уй остонадан бошланади».
20.50 «Маънавият ва Ислом».
21.10 «Жума куни ишдан сўнг».
21.40 Араб эстрадаси.
22.10 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.55 «Йиллар ортидаги йўллар».
23.20 Ўзбекистонда Япониянинг Маданият кунлари. «Қишлоқ». Балет труппаси раҳбари Екояма Кейко.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Санъаткор саодати». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нақшлар бўстони».
9.10 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
10.00 «Шоҳрух» клуби.
10.20 «Нуроний». Тележурнал.
10.40 «Олтин мерос». Либослар жозибаси.
10.55 «Яхшиларни кўрсанг яшагинг келар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.15 «Остонаси тиллодан».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.35 «Таъзим».
11.55 «Маҳорат».
12.15 «Сени Ватан кутади».
12.35 «Тилсимот». Адабий-маърифий кўрсатув.
12.50 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
13.25 — 15.25 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультфильм.
18.30 «Аудитория».
18.50 «Турон тулпорлари».
19.05 «Шарқ тароналари». 10-кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Жаҳон спорти.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров.
22.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
22.25 «Мусиқий саёҳат».
22.45 — 00.25 «Ўн учинчи хотин». Бадиий фильм (Миср Араб Республикаси).

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 «XXI аср авлодлари».
9.35 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.40 «Бизнес ҳафта якунлари».
9.55 «Дил дафтари».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Дераза».
10.50 «Кинонигоҳ».
12.25 — 12.45 «7 дан 70 гача».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 «Дилбарим».
19.15 «Умрбоқий мерос».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес -академия».
20.10 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ханда дўкони».
21.20 «Қўшиқлар жилоси».
21.40 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Интер-футбол».
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 Видео—«О».
00.45 — 00.55 «Даракчи».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 — 22.15
*
22.15 Эълонлар.
22.20 «Жейн хоним». Бадиий фильм. 1-серия (Англия).
23.30 — 23.40 Хива — 2500. «Хива — тўрт дарвоза шаҳри». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Спектаклдан сўнг».
10.55 «Еввойи». Бадиий фильм.
12.20 «Учувчи шифокорлар». Бадиий фильм.
13.05 «Шарқ тароналари».
13.35 «Польшага назар».
13.50 — 14.10 «Корейс тилини ўрганамиз».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мулькарусель».
19.00, 22.15 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Биргаликда куйлайлик».
20.45 «Намастэ».
21.15 «Рақслар қанотида».
21.45 «Тақдирлар».
22.20 «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.05 «Бу ажиб дунё».
23.20 «Хит-коллекция».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Шарқ тароналари». 10-кўрсатув.
11.25 «Табассум кўчаларида». С. Аҳмад. «Керакли аждар».
12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.30 «Ўн учинчи хотин». Бадиий фильм.
14.10 «Мусобақалар, очколар, секундлар».
14.25 — 15.25 «Болалигим — пошшолигим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.40 Султонмурод Олим. «Дўппи». Видеофильм.
18.50 Хива — 2500. «Хива». Телефильм.
19.00 Эстрада тароналари.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий дам олиш кўрсатуви.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши). 2-тайм. Ёзиб олинган.
22.50 «Якшанба оқшомида».
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.20 Кино янгиликлари.
23.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.45 «Яна ўша Насриддин». Телевизион мусиқий бадиий фильм. 1—2-сериялар («Ўзбектелефильм»).
01.35 — 01.40 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қонун ҳимоясида».
9.40 «Дилбарим».
9.55 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Бизнес-академия».
10.20 Дилором наволар.
10.35 «Ханда дўкони».
10.55 «Қўшиқлар жилоси».
11.15 «Даллас». Телесериал.
12.05 «Интер-футбол».
12.25 — 14.00 Видео—«О».
*
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
18.20 Мультипанорама.
18.40 «Турфа олам».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Мусиқа салтанати».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Жараён».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Миллионлар ўйини».
22.50 «Тақвим, эълонлар, оҳанглар».
23.00 Видео-«О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.35 — 22.05
*
22.05 Эълонлар.
22.10 «Жейн хоним». Бадиий фильм. 2-серия.
23.20 — 23.45 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.35 Эълонлар.
11.40 Киносалон. «Шошилсанг — одамларга кулги бўласан». Бадиий фильм.
13.40 «Ракурс».
14.10 «Жонли сайёра».
14.30 «Турбулентлик». Бадиий фильм.
16.00 «Шу куннинг мавзуси».
16.15 Мультэкран.
16.35 «Сенинг вақтинг».
16.55 — 17.10 «English for children». Болалар учун инглиз тили.
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мулькарусель».
19.00, 21.10 Эълонлар.
19.05 «Менинг кучам».
19.20 «Телеташриф».
19.40 «Иштирок этувчилар».
20.10 «Тошкент оқшомида».
20.40 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.15 Киносалон. «Сувли дунё». Бадиий фильм.
23.15 «Мусиқий олимп».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар 133-28-95, 133-08-74, 136-57-65. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0583. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 5.818 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.